



ҲИДОЯ АСАРИДА ҚАСАМЛАР МАВЗУСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ

Қамбаров Азамхон Мұхаммадали ўғли

Ўзбекистон халқаро ислом академияси “Исломшунослик ва ислом цивилизациясини ўрганиш ICESCO” кафедраси ўқитувчиси
90-9970042 e-mail. qambarovazam2507@gmail.com
<https://www.doi.org/10.5281/zenodo.8106922>

ARTICLE INFO

Received: 24th June 2023

Accepted: 29th June 2023

Online: 30th June 2023

KEY WORDS

Бурхонуддин Марғиноний, Ҳидоя, Мұхтасарул Қудурий, Жомеъ ас-Сағир, Мұхаммад Шайбоний, Ҳанафий мазҳаби, фиқх, ғақиҳ, Бидоят ал-Мубтади, Кифоят ал-Мунтаҳи.

ABSTRACT

Фақиҳларнинг бир неча авлодларининг олиб борган фаолиятлари туфайли Мовароуннахр мактабининг анъаналари ва унинг намоёндалари асарлари ҳанафийлик мазҳабида бўлган турли минтақаларда кенг тарқалди. Мовароуннахрлик муаллифларнинг асарлари фиқҳ амалиётида қўлланма сифатида ҳам, талабаларни ўқитишда дарслик сифатида ҳам фойдаланилди.

Мана шундай алломалардан бири Бурхонуддин ал-Марғиноний (ваф. 1196 й.) эдилар. Бу инсоннинг тўлиқ исми – Бурхониддин Али ибн Аби Бақр ибн Абдужалил ар-Рошидоний ал-Марғиноний ал-Фарғоний. «Шайхулислом» ва «Соҳиб ал-Ҳидоя» атамалари билан машҳурдир. Кўпинча ғақиҳларнинг «Китоб ал-Ҳидоя» ни ўзлаштиришдаги иснодлари алоҳида келтирилиши, кўплаб шарҳланиши Бурхониддин ал-Марғинонийнинг мазкур асари катта обрўга эга эканлигига далолат қиласиди. Ушбу мақолада “Ҳидоя” асарининг таркибий тузилиши ва у бўйича олиб борилган тадқиқотлар ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлинади.

Бурхонуддин Марғинонийнинг “Ҳидоя” асари таржимасининг учинчи жилди ўзидан аввалги “муомалотга оид ҳукмлар”нинг давоми бўлиб “қасамлар” китобидан бошланади. Маълумки, ислом шариатида мусулмон кишининг ижтимоий муносабатлардаги ҳар-бир ҳатти ҳаракати ислом дини доирасидаги ҳукмларга боғлиқ бўлгани каби, унинг оғзидан чиқадиган ҳар қандай сўз ҳам шариат эътиборидан четда қолмайди. Жумладан, кундалик ҳаётда билиб ёки билмай ичиладиган қасамлар ҳам шулар жумласидандир. Сиз “қасамлар” китобида қасамнинг турлари ва қасам ичиш натижасида келиб чиқадиган оқибатлардан ҳабардор бўласиз. Қасам деб таржима қилинаётган сўз араб тилида ямин кўплиқда эса, аймон деб аталади.

Ислом ҳуқуқи нормаларини ўрганган йирик канадалик олим Ваел Ҳаллақнинг қасам ичиш борасида билдирган фикрича, ислом ўлкалари билан яқиндан давлат



муносабатларини йўлга қўйган Византия империяси исломдан қўпгина ҳуқуқий норма ва қоидаларни трансформация яъни ўзлаштирганинги кузатиш мумкин. Масалан, қасам ичиш масаласида ҳам турли шахсий анжом ва буюмларга қасам ичиб келган ғарбликлар исломдаги ҳуқуқий нормалардан таъсирланиб мўътабар манбалар ва Худономига қасам ичишни расмий ҳуқуқий норма сифатида қабул қилганлар¹.

Иккинчи бўлим “ҳадлар” деб номланиб, ушбу бўлим орқали сиз тарихда ва яқиняқингача мусулмон жамиятларида мавжуд бўлган жиноят тушунчаси ва турлари ҳақида маълумот олиш билан бирга исломда жиноят тушунчасининг асосини ижтимоий муносабатлар билан чамбарчас боғлиқ бўлган ҳуқуқий қонун-қоидалар ташкил этишини ҳам яқиндан билиб оласиз.

Ушбу қисмда асосий эътибор ижтимоий иллатлардан бири ҳисобланган зинокорликка қаратилиши бежиз эмас. Ислом инсон ҳаётининг ҳар бир соҳасида ўзининг бекиёс кўрсатмаларини берган. Зеро, ислом инсон ҳаётининг бир бўлаги эмас, балки инсон ҳаёти исломнинг бир бўлагидир. Ислом қадриятлари улуғланган жамият том маънодаги поклик жамиятидир. Ҳамма томон, ҳамма нарса пок бўлиши керак. Шунинг учун бу жамиятда нопок ишлардан бири бўлган зинокорлик ҳам ҳаром саналган. Шунингдек, зинога сабаб бўладиган ҳаракатлар ҳам тақиқланган. Чунки, психолого-тадқиқатчилик томондан қарагандан зино инсоннинг руҳий тинчлигини йўқотадиган ҳунук иш ҳисобланган. Иффатли инсонларни ҳаётда кўп бўлиши эса, жамиятга тинчлик ва хотиржамлик бахш этиши бежизга эмас.

Ушбу фикрлардан келиб чиқиб, бундай турдаги ҳад жазоларида жазо турини қўллашдан мақсад, биринчидан, айбордга содир этган жинояти учун азоб бериб, қийнаш орқали ўч, қасос олиш ва унинг келгусида жиноят содир этмаслиги учун огоҳлантириш, тарбиялашнинг тарихий шакли бўлса, иккинчидан, ҳозирги кунимиз билан қиёслаганда ҳар қандай жиноий жазо фақатгина давлат томонидан – унинг ваколатли идорасидаги масъул ходимлари – ҳозирги кунимиздаги судьялар томонидан белгиланиши жамиятнинг ҳар бир аъзосини жазо турларидан воқиф этиб, ўз навбатида уларни ҳам жиноятга қўл урмасликка чақириш, шу йўл билан эса давлатнинг жиноий-ҳуқуқий сиёсатини тўғри амалга ошириш каби ижтимоий-сиёсий вазифани рўёбга чиқаришни кўзда тутади, деб ҳисоблаймиз.

Яманлик ҳуқуқшунос олим Маҳмуд Ҳайдар: Жазо бу – фақат суд ҳукмига кўра жиноят содир этган муайян шахсга нисбатан давлат томонидан қўлланиладиган мажбурий чорадир, – деб ҳисоблайди.

Рено Шарлнинг таъкидлашича, мусулмон ҳуқуқшунослари саккизинчи асрдан бошлаб мусулмон ахлоқини тузатишга оид жазолардан ҳад ва таъзир жазоларини қўллаш орқали жазоларни индивидуаллаштириш, яъни жиноятнинг турига қараб, ҳар бир жиноятчига алоҳида-алоҳида жазо чораларини белгилаш тамойилига суюнган эдиларки, бу турдаги қоидалар Европа қонунчилик тизимларига XVI асрга келиб киритила бошлаган².

¹ Wael Hallaq. Shari'a: theory, practice, transformations. Cambridge, UK; New York, USA, Cambridge University Press, 2009. – 315 p. – P. 44.

² Шарль Рено. Мусульманское право. – Москва: Издательство иностранной литературы, 2001. – С. 47.



Ҳад жазо турлари асосан зино, тұхмат, үғрилик, қароқчилик (босқынчилик) спиртлик ичимликларни истеъмол қилиш, ислом динидан қайтиш, исён күтариш ва бошқа жиноятларга нисбатан белгиланган.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ислом жиноят ҳуқуқига доир илмий-назарий манбаларда күрсатилишича, қонунда белгиланган жазони ижро этиш муддати үтиб кетган бўлса, жиноятчи жазодан озод этилган. Масалан, тўрт кишидан иборат гувоҳлар бирон-бир шахсга нисбатан зино жиноятини содир этган, деб гувоҳлик берсалар-у лекин жиноят содир этилганига узоқ муддат ўтган бўлиб, гувоҳларнинг қозидан узоқда яшаганликлари бунга тўсқинлик қилмаган бўлса, гувоҳликлари қабул қилинмаган, жиноятчига ҳад жазоси қўлланилмаган, яъни у жазодан озод этилган. Худди шунингдек, гувоҳлар бирон кишининг ўн дирҳам ва ундан ортиқ баҳодаги мулкни ўғирлагани ҳақида гувоҳлик бериб, айбдорнинг номини айтиб кўрсатма берсалар-да, жиноят содир этилганига узоқ муддат үтиб кетган бўлса, ўғрига ҳад жазоси қўлланилмай балки ундан моддий келтирилган заарни ундириб олиш талаб этилган. Аммо тұхмат жиноятини содир этган шахсга нисбатан муддат үтиб кетганлиги инобатга олинмаган. Агарда гувоҳлар бирон-бир шахсни ноўрин зинокорлиқда айблаб, тұхмат жиноятини содир этган бўлсалар, бу жиноятнинг содир этилганига узоқ вақт үтиб кетган бўлса-да, агар жабрланувчи қозининг олдига бориб, жиноятчиларни жазолашни талаб қиласа, ҳад жазоси қўлланилган, чунки бундай ҳолда инсоннинг қадри ва ор-номуси ҳар нарсадан устун турган. Чунки, бир киши зинокорлиқдан пок, балоғатта етган ва ақлли кишини зино билан очиқасига айбласа, бу далил-исботсиз зинода айблашни ислом биринчилардан бўлиб инсон шани ва ор-номусига етказиладиган энг оғир тұхмат жинояты деб аталган. Демак, ушбу фикрлардан ҳам кўриш мумкинки, ислом доимо инсонга нисбатан жазо тайинлашда гуманистик тамойилларга содиқ қолганлигини кўриш мумкин.

Бундан ташқари сиз ушбу китобда ўша даврда мусулмон давлатчилиги билан мусулмон бўлмаган давлатларнинг фуқаролик статуслари, уларнинг мол-мулки, мусулмонлар ўлкасида яшаган мусулмон бўлмаганларга нисбатан жися, харож ва ушр каби жон ва мол солиқлари, ва уларни жон ва молларини кафолатлаш, давлат ўз ҳимоясига олишдек, халқимизга хос юксак бағрикенглик намуналари каби ҳуқуқий маълумотлар билан ҳам танишасиз.

Шариатнинг турли мазҳаблари учун умумий бўлган таълимотга кўра, жиддий ҳисобланган ҳар қандай гуноҳ-жиноят мусулмон таъқиқларини бузганлик учун жазога лойиқ хатти-ҳаракатлар сифатида қаралган. Унинг моҳияти исломнинг дин, ҳаёт, ақл-идрок, авлодлар давомийлиги ва мулкка эгалик каби беш умуминсоний қадриятлар ҳимоясига қаратилган ҳуқуқий тамойиллар ва қонун-қоидаларда ўз ифодасини топган. Мазкур таълимотнинг яна бир муҳим жиҳати, қонунбузарликка Аллоҳ иродасига бўйсинмаслик сифатида қаралишидир. Шунинг учун ҳам шариат бўйича фақиҳлар фикрига кўра, ҳуқуқий жиҳатдан ғайриқонуний ҳисобланган ва ислом ҳуқуқи қоидаларидан четга чиққан ҳар қандай хатти-ҳаракатлар фақатгина ҳозирги қунимиздаги “дунёвий” санкциялардагина эмас, шу билан бирга улар диний эътиқод жиҳатидан ҳам гуноҳ ҳисобланиб, нафақат бу дунёда балки охиратда ҳам жазога лойиқ ҳисобланган.

**References:**

1. Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа. Мажмаъ-ул мақсад // Мухтасар ул-Виқоянинг шарҳи. 2 жилдда. – Тошкент: «Шарқ», 2015.
2. Мустафо ибн ‘Абдуллоҳ ар-Румий ал-ҳанафий аш-шаҳир би Хожи Халифа. «Кашф аз-зунун ‘ан асмо’ ал-қутуб ва-л-фунун». 2 жилдли. – Макка: Мактаба ал-файсалийя, 1981. Ж.2. – Б. 1356, 1283, 1586.
3. Kavakcı Y. Z. XI ve XII Asırlarda Karahanlılar Devrinde Ma var'a' al-Nahr İslom Hukukçuları. – Анкара: Sevinç Matbaası, 1976. – XXIV. – Б 322.
4. Аҳмад ибн Мустафо Тошкублизода. Мифтоҳ ас-са'ода ва масобиҳ ас-сийода. 11 жилдли. – Қоҳира: Дор ал-қутуб ал-ҳадисийя, 1995. Ж.9. – Б. 248.
5. Мўминов А.Қ. Ҳанафий уламоларнинг марказий Мовароуннаҳр шаҳарлари ҳаётида тутган ўрни ва роли (II-VII/VIII-XIII асрлар): Тарих фан. докт. дис. автореф. – Т.: ТИУ, 2003. – Б 26.
6. Маҳмуд Ҳасаний. Ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ва унга ёзилган шарҳлар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 200. – Б. 31-32.
7. Маҳмуд Ҳасаний. Ал-Марғинонийнинг «Ҳидоя» асари ва унга ёзилган шарҳлар. Тошкент: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 200. – Б.32.
8. Ҳидоя. Комментарии мусульманского права. Отв. ред. и авт. вступ. статьи и комментарий А.Сайдов. Ташкент: Ўзбекистон, 1994. – 480 с.